

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 9(575.1)

ХАЙДАРОВ ЗАХРИДДИНБОБИР УМАРОВИЧ

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ ВА МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛЛАРИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ
ТАРИХИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ**

Ихтисослик: 07.00.02 - Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган
диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2007

Диссертация Наманган давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

тарих фанлари доктори, профессор
С.С.Солиев

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори
Д.Х.Зиёева

тарих фанлари номзоди, доцент
М.С.Қамаритдинова

Етакчи ташкилот:

Тошкент Молия институти

Ҳимоя 2007 йил _____ ойининг _____ куни соат ____ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.02-Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган Кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. E-mail: kengash@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, Ўз МУ).

Автореферат 2007 йил _____ ойининг _____ куни тарқатилди.

**Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби:**

т.ф.н., доц. А.А.Одилов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг тарих фани соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол туфайли ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихини тиклаш, ҳолисона тадқиқ этиш ва уни халққа етказиш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сифат ўзгаришларига ҳамоҳанг тарзда тарихшуносликда ҳам янгича руҳ ва мазмундаги илмий тадқиқотлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг бир қатор асарларида инсон дунёқараши ва жамият мафкурасининг шаклланишида ижтимоий фанлар, хусусан тарих фанининг ўрни бекиёслигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, Президент И.А.Каримов миллий мафкуранинг шаклланиш жараёнида тарих фанининг ўрнига юксак баҳо бериб: “Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба - бу ҳаққоний ёритилган тарихдир”, -деб кўрсатган эди¹.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, ватанининг тарихини билишни истайди...”, -деган эди². Республика тарихини айрим ҳудудлар, шаҳарлар, вилоятлар мисолида ўрганиш, шубҳасиз ўтмишни янада чуқур ва мукамалроқ тарзда ёритилиши учун имконият яратади.

Наманган вилояти ўзининг тутган ўрни, салоҳиятига кўра, Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “...Наманган халқи ўзига хос хусусиятларини, ўз тарихи, анъана ва урф-одатларини ... асрлар мобайнида сақлаб келмоқда... Наманган вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятида, маънавий ва маданий ривожда кўп жиҳатдан етакчи ўринни эгаллайди”³.

Вилоятлар, хусусан Наманган вилоятининг совет тузуми ва мустақиллик йилларидаги тарихини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўрганишнинг ўз афзалликлари ва аҳамиятли жиҳатлари бор. Бу орқали биринчидан, ўзбек халқи мустақиллик учун олиб борилган саъйи-ҳаракатлар илдизи узоқ тарихга бориб тақалганлиги, юрт ватанпарварлари озодлик йўлида яширин ва ошкора, зарур бўлган ҳолда эса қурол кучи билан кураш олиб борганликларини, мустақиллик шарофати билангина бу курашлар тарихини ҳолисона ўрганишга имконият яратилганлигини кенг маънода жамоатчиликка етказиш имконияти пайдо бўлди. Иккинчидан, бугунги кунда ўтмиш мероси ва жаҳон халқлари тарихий тажрибасига асосланган ҳолда, мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантиришга кенг йўл берилаётганлиги, бундан кўзланган мақсад ҳам

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-Б. 34.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, -Т.: Шарк, 1998.-Б. 3.

³ Каримов И.А. Шу муқаддас юртга ёруғ кунлар келтириш-ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Асарлар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8.-Б.181.

фақат битта – халқ фаровонлиги эканлиги, шу боис, бугунги иқтисодий ислохотлар мазмунини, тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликнинг ривожини учун кўрсатилаётган ғамхўрлик моҳиятини чуқурроқ англаб етмоқ учун яқин ўтмишдаги “жамоалаштириш” ва “қулоқлаштириш” жараёнларининг фожеали оқибатларини айрим ҳудудлар мисолида таҳлил этиб, ундан хулоса чиқариш айтиш муддаодир. Учинчидан, иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм устидан қозонилган улкан ғалабада ўзбекистонликларнинг, хусусан ҳар бир вилоят аҳлининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигини, ўзбек халқининг фронт ортидаги ва жанггоҳлардаги фидокорона меҳнати ҳамда қаҳрамонликларини ҳолисона ўрганиб, оммага етказиш, шу орқали ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик, сабр-бардошлилик, аждодлар ёдига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига ўз ҳиссаларини қўшиш тарихчилар олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Тўртинчидан, мустақиллик йилларида мамлакат, хусусан вилоят маориф тизимида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқдаки, бу эса ўз ўрнида республика раҳбариятининг халқ таълимини ривожлантириш йўлидаги саъйи-ҳаракатларининг амалдаги натижаси эканлиги, ушбу имкониятларга фақат истиқлол шарофати билангина эга бўлинганлиги, таълим тизими борасидаги ислохотлар мазмун моҳияти билан Ватанига, халқига садоқатли баркамол авлодни тарбиялашга қаратилганлигини англаб етиш учун маорифнинг совет даври тарихига назар ташлаган ҳолда уни қиёсий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўрганиш тарих фанининг долзарб вазифаларидан биридир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. 1917 йил совет ҳокимиятининг ўрнатилишидан Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва ҳозирги кунларгача бўлган давридаги Наманган вилояти тарихи бугунги кунга қадар мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Вилоятнинг ташкил топишидан бугунги кунгача бўлган даври тарихига оид баъзи маълумотлар илмий адабиётларда қисман келтирилган.

Шу боис тадқиқот натижаларига кўра, мавзу тарихшунослигини икки даврга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1) совет даврида яратилган адабиётлар, вилоят тарихи хусусида олиб борилган тадқиқотлар ва даврий матбуотда эълон қилинган мақолалар;

2) мустақиллик даврида яратилган адабиётлар, илмий изланиш ва тадқиқотлар.

Туркистон ўлкасида “октябр воқеалари”га қадар ва ундан сўнг чоп этилган даврий матбуот нашрларида Наманганда юз берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар қисман ўз аксини топган. Ушбу даврга оид миллий матбуотда тарихий шароит ва миллий руҳ ҳаққоний тарзда ўз ифодасини топган бўлса ⁴, совет ҳукуматининг даврий нашрларида

⁴ Намангандан // Улуғ Туркистон.-1917.-13 декабр.

ўлкадаги, хусусан, Намангандаги большевиклар ҳокимиятини турли йўллар билан мустаҳкамлашга бўлган уринишлар ҳақида маълумотлар берилади⁵.

XX асрнинг 20-40 йилларида вилоят тарихига оид фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилмаган бўлиб, ушбу ҳолатни Наманган вилоятининг расман 1941 йилда ташкил топганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мавзу тарихшунослигининг биринчи даврида, табиийки, коммунистик мафкура тазйиқи ва таъсири яққол кўзга ташланади. XX асрнинг 50-60-йилларига келиб, кичик ҳажмдаги баъзи адабиётлар нашр этила бошлади. Бу борада З.Акрамовнинг “Наманган области” тарихий-географик мавзудаги рисоласини таъкидлаш мумкин⁶. Муаллиф унда асосан вилоят географияси, хўжалиги, аҳолиси ҳақида маълумотлар беради. Китобда ҳукмрон мафкура манфаатлари ўз ифодасини топган бўлса-да, ундаги совет даврига оид фактик материаллар қиёсий таҳлил ва танқидий ёндашувда мавзу тарихшунослиги учун аҳамиятлидир.

XX асрнинг 60-йилларидаги илмий журналларда вилоят тарихининг айрим жиҳатлари ёритилган баъзи мақолаларни ҳам учратиш мумкин. Ушбу мақолаларда вилоят ҳудудидаги дам олиш масканлари, уларнинг ўтмиши, мазкур даврдаги ҳолати, тарихий ёдгорликлар, уларнинг ўрганилиш даражаси ёритилган⁷.

XX асрнинг 70-йилларида ҳам Наманган вилоятига оид айрим илмий асарлар чоп этилди. Жумладан, Г.Р.Асановнинг “Сельское расселение Наманганской области” монографияси шундай асарлар сирасига киради. Муаллиф унда асосан вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ва аҳолиси, ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи ҳақида маълумотларни келтириб ўтади. Шунингдек, Т.Рўзиев ва М.Хожимирзаевлар томонидан эълон қилинган маълумотномада Наманган вилоятининг тарихий ўтмиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бирмунча мукамалроқ тарзда ўз аксини топган бўлсада, давр мафкуравий қилипларидан четга чиқмаган⁸.

XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан эътиборан, совет жамиятида бошланган “қайта қуриш” сиёсати оқибатида халқ ўтмишига баҳо беришда маълум ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу аввало совет жамиятидаги ижтимоий-иқтисодий тангликнинг ечимини топишга бағишланган мақола, рисола ва тадқиқотларда ўз аксини топди⁹.

⁵ Автономия Туркестана и Ю.В. союз // Свободный Туркестан. –1918. –15(2) февраль; Борьба с голодом //Красная Фергана.-1921.-17 июнь.; также: Профессиональная жизнь.; Не ослабляйте помощь Фергане //Туркестанская правда.-1923.-9 февраль.; Известия.-1919.-27 июнь.; Рабочий путь.-1920.-14 апрель.

⁶ Акрамов З.М. Наманганская область (историко-географический очерк).-Т.: АН Уз ССР, 1955.

⁷ Раҳмонов А. Чортоқ // Фан ва турмуш.-Тошкент, 1962.-№10.-Б. 26-27; Ғуломов Я., Аҳроров И. Ахсикент обидалари изидан // Фан ва турмуш.-Тошкент, 1964. -№ 8.-Б. 17-19.

⁸ Рўзиев Т., Хожимирзаев М. Наманган области: Справочник.-Т.: Ўзбекистон, 1981.

⁹ Қаранг: Хроника военных лет. Документы, цифры и факты.-Наманган, 1985.; Рашидова Н. Усмон Носирни излаб // Шарқ юлдузи.-Тошкент, 1987.- № 12.-Б. 168-169.; Мамажонов Н. Акс садо // Шарқ юлдузи.-Тошкент, 1989.- № 9.-Б. 165.; Муродов М. Қўшиб ёзишнинг илдизлари // Шарқ юлдузи.-Тошкент, 1989.- №9.-Б. 163-165.; Н.Норкулов. Мухториятнинг тугатилиши // Фан ва турмуш.-Тошкент, 1990.-№ 8.-Б. 9 ва бошқалар.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мавзу тарихшунослигининг иккинчи давридагина, яъни Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина вилоят тарихини ҳолисона ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Мустақиллик йилларида вилоятнинг айрим туманлари тарихини ўрганиш борасида ҳам бир қатор ишлар юзага келди¹⁰. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманлар тарихига бағишланган адабиётларнинг барчасида ҳам мавзуга оид муаммолар махсус ўрганилиб, илмий асосда тўла ёритилмаган. Кўп ўринларда муаммога бир томонлама ёндашувлар, эркин илмий мушоҳаданинг етишмаслиги кўзга ташланади. Бу ўринда мазкур китоблар мутахассис тарихчилар томонидан яратилмасдан, балки, элшунос, адабиётшунос, журналист ва бошқа соҳа вакиллариининг изланиши натижаси сифатида яратилганлигини инобатга олиш лозим бўлади. Ушбу адабиётларда туманларнинг совет давридаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини тўлиқ ёритиб бериш мақсад қилиб қўйилмаган бўлсада, аммо улар тарихий маълумотларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон тарихшунослигида совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши кўтарилган қуролли қаршилик ҳаракати тарихи муаммоларига бағишланган бир қатор асарлар чоп этилди, тадқиқотлар юзага келди. Ё.Қосимовнинг “Қора кўзойнак билан ёзилган тарих”¹¹ китобида айнан шу масалалар ёритилган. Ушбу асарда қуролли қаршилик ҳаракати гуруҳларининг Наманган уездида¹² (ҳозирги Наманган вилояти ҳудудида-муаллиф) олиб борган фаолиятлари, жанговор ҳаракатлар, совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши ва бошқа масалалар қисман ёритилган. Ушбу асар орқали муаллиф вилоятдаги ўша давр учун хос бўлган ижтимоий-сиёсий муаммоларни кенг кўламда ёритиб беришни мақсад қилиб қўймаган бўлса-да, мавзу тарихшунослиги учун аҳамиятли адабиётлардан бири ҳисобланади.

Вилоят ҳудудида совет тузумининг ўрнатилишига қарши қуролли муҳолифат тарихини ёритишда Қ.Ражабовнинг тадқиқоти ҳам аҳамиятлидир. Қ.Ражабов ўз тадқиқотида Наманган вилояти ҳудудидаги қуролли қаршилик ҳаракати тарихига ҳам қисман тўхталиб ўтган¹³.

¹⁰ Санакулов. Х. Чуст.-Т., 1991.; Нажмиддин Файзиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким, Жўрахон Муҳаммад Ҳофиз ўғли. Чуст тарихи.-Чуст: Наманган вилояти ноширлик бўлими, 1995.; Чортоқ тумани тарихи. -Т: Университет, 1995.; Раҳимова М.В. Косонсой тарихидан лавҳалар. -Наманган: Наманган вилоят ноширлик бўлими, 1996.; Инамов. Ш. Попим-саховатли юртим.-Наманган: Наманган вилояти ноширлик бўлими, 1996.; Қирғизов Ю., Акрамов Т. Бир ўлкаки...-Наманган: Наманган вилояти ноширлик бўлими, 1996.

¹¹ Қосимов. Ё. Наманган тарихидан лавҳалар.-Т.:Фан, 1990.; ўша муаллиф. Қора кўзойнак билан ёзилган тарих.-Наманган: Наманган вилояти матбуот бошқармаси ноширлик бўлими.-1993.

¹² Изоҳ: Уезд-Россия империясининг мустамлакачилиги даврида Фарғона вилояти 5 та уезддан ташкил топган эди: 1.Скобелев, 2.Андижон, 3.Ўш, 4.Қўқон, 5.Наманган.

¹³ Ражабов К. Жади́длар истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари // Ўзбекистон тарихи. Янги нигоҳ: жади́длар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадам.-Т.: Эльдинур,1998.-Б.14.; ўша муаллиф: Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар.-Т.: Ўзбекистон, 2000.; ўша муаллиф: Истиқлолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1922 гг.): Автореф. дис. ...канд. ист. наук.-Т.,

Наманган вилоятининг совет даври тарихига оид айрим маълумотлар, мустақиллик йилларида чоп этилган тўпламларда ҳам ўз аксини топган. Шулар жумласига республика етакчи Олий ўқув юртларида ва Наманган Давлат университетида ўтказилган илмий анжуманлар материаллари асосида чоп этилган тўпламларни киритиш мумкин¹⁴.

Ушбу тўпламларда вилоятнинг совет даври ва мустақиллик йиллари тарихига оид айрим янги маълумотлар келтирилган. Жумладан, наманганлик ватанпарварларнинг совет давридаги яширин ташкилотлардаги иштироки, вилоятда қуролли қаршилик ҳаракатининг бориши, “Шўрои Ислом” Наманган филиалининг фаолияти, жамоалаштириш ва қатағонлик сиёсати, вилоят меҳнаткашларининг уруш йилларидаги жасоратлари, мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа масалалар талқин этилган мақолаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Мустақиллик йилларида вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт тарихига оид маълумотларни ўзида мужассам этган илмий адабиётлар ҳам яратилди. Масалан, Э.Ю.Мирзалиев, М.Т.Бозорова, О.Баҳриддинов, О.Абдуллаев, А.Расулов ва бошқалар томонидан нашр этилган адабиётлар мавзу тарихшунослиги учун аҳамиятли ҳисобланади¹⁵.

Шунингдек, Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йиллари тарихини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши Академиясининг Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан нашр этилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида”¹⁶ деб номланувчи иккинчи китоби ва “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи”¹⁷ деб номланувчи учинчи китобининг таҳлилий маълумотлари қимматли аҳамиятга эга. Ушбу китоблар айрим ўринларида Наманган вилоятига бевосита алоқадор жиҳатлар ҳам ёритилган. Шунингдек, мустақиллик йилларида Наманган вилоятида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, маданий соҳаларда қўлга киритилган айрим ютуқлар ҳақидаги баъзи маълумотларга тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга мазкур китобларда вилоятдаги ижтимоий аҳволни ўзида акс эттирувчи рақам ва фактлар келтириб ўтилган.

1995.-32 с. ўша муаллиф: Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.): Автореф. дис. ... док.ист. наук.-Т., 2005.-66 с.

¹⁴ Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар. Наманган давлат университетида 1995 йил 27-28 апрелда бўлиб ўтган илмий конференция материаллари.-Наманган.-1996.; Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.-Наманган.-2000.; Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.-Т.: ЎЗМУ, 2007.

¹⁵ Мирзаалиев Э.Ю., Бозорова М.Т.- Наманганнинг XIX аср охири XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши.-Наманган:1998.; Мирзалиев Э.Ю., Баҳриддинов О. Тарих – маънавият кўзгуси.-Наманган.-2006.; Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги).-Наманган 1995.; ўша муаллиф: Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнлари.-Наманган, 2000.; Расулов. А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар.-Т.: Университет, 2005.

¹⁶ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб.-Т.: Шарқ, 2000.

¹⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Учинчи китоб.-Т.: Шарқ, 2000.

Истиклол йилларида жамоалаштириш, кулоқлаштириш ва катагон сиёсатига бағишланган кўплаб илмий асарлар пайдо бўлди. Бу ўринда Р.Шамсутдиновнинг асарлари алоҳида аҳамиятга эга ¹⁸. Муаллиф асарларининг мавзу тарихшунослигида қимматлилик даражаси шу билан белгиланадики, уларда Наманган вилоятидан кулоқ қилинган кишиларнинг аянчли тақдирлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар берилган. Р.Шамсутдинов ўзининг ушбу тадқиқот асарларида дала материаллари, жонли мулоқотлар, шахсий кузатувлар, “Мерос” экспедициясининг тўплаган маълумотларига таянган ҳолда масалага ёндошган. Асарларда мажбурий жамоалаштириш ва кулоқ қилиш жараёнларининг аҳоли учун фожеали жиҳатлари очиб берилган ҳамда улардаги маълумотлар Украина, Россия ва қўшни республикалар давлат архивларидаги ҳужжатлар асосида баён этилган. XX асрнинг 30-йилларида бутун мамлакатда бўлганидек, Наманган ҳудуди ҳам советларнинг катагон гирдобига тортилган эди. Тарихнинг ана шу ачинарли саҳифаси мустақиллик йилларида маълум даражада очиб берилди¹⁹.

Шунингдек, мавзу тарихшунослигига оид айрим маълумотлар Т.Файзуллаев, Ҳ.Зиёев, К.Воҳидова, О.Олимжонов, А.У.Баҳромов, О.Ота-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Ҳ.Муртазаева, С.Аъзамхўжаев, Д.Ҳ.Зиёева, Ш.М.Раҳматуллаев, Л.Левитин, Қ.Усмонов, М.Содиқов, А.Салиев, М.Ҳайдаров, Х.Юнусова, Х.Мирзаҳмедов, Ш.Ҳайитов, С.Бадриддинов тадқиқотларида ҳам учрайди²⁰.

¹⁸ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. -Т.: Шарқ, 2001.; ўша муаллиф. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар.-Т.:Шарқ, 2001.; ўша муаллиф. Қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида).-Т.: Шарқ, 2003.; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. III китоб.-Андижон: Andijon nashriyot matbaa, 2004.; Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати.-Т.:Шарқ, 2005.; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929-1955 гг.: Документы и материалы. Т.І-ІІІ./ Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под.ред. Д.А.Алимовой.- Т.: Шарқ, 2006.

¹⁹ Усмонов И. Катагон қурбонлари.-Т.: Ўқитувчи, 1992; Каримов Н. Усмон Носир.-Т.:1993.; Қиличев Ф. Зулматдан садолар.-Т.: Адолат,1994.; Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. (Н.Каримов таҳрири остида).-Т.: Шарқ, 2006.

²⁰ Файзуллаев Т. Ўзбекистон янги йўлда.-Т.: Ўзбекистон, 1993.; Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи: (милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача).-Т.: Шарқ, 2001.; Воҳидова К.А. Исҳоқхон Ибрат //Фан ва турмуш.-Тошкент, 1995.- № 4.-Б. 26-27.; ўша муаллиф. Исҳоқхон Жунайдуллаходжа Ибрат и его научно-историческое наследие. Автореф. дис. ... канд.ист.наук.-Т., 2002.-28 с.; Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида /Тузувчилар: Олимжонов О.О., Баҳромов А.У. ва б.-Т.: Шарқ, 1996.; Ата-Мирзаев О.,Гентшке В., Муртазаева Р.Ҳ. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект.-Т.:1998.; Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: Борьба за свободу и независимость(1917-1918г.г.): Автореф. дис. ... док. ист. наук. - Т., 1996.-62с.; ўша муаллиф: Из истории борьбы за автономию Туркестана /Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан.-Тошкент: Фан, 1996.-С.32.; ўша муаллиф: Туркистон Мухторияти-жадидлар миллий демократик давлатчилиқ ғояларининг амалдаги ифодаси / Жадишлик:ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам № 1.-Т.:Университет, 1999.-Б. 158-159.; ўша муаллиф. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.; ўша муаллиф. История Туркестанской Автономии.-Т.: Тошкент Ислон университети, 2006.; Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати.-Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.; Раҳматуллаев Ш.М. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.): Автореф. дис. ... канд.ист.наук.-Т., 2000.-34с.; Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида.-Т.: Ўзбекистон, 2001.; Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар).-Т.: Шарқ, 2002.; Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана /Составители: Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р.Ҳ.,Салиев А.-Т.: Университет, 2002.; Ҳайдаров М. Туркистон иқтисодиётида “Ҳарбий

Ушбу мавзуга оид асарлар таҳлили кам ўрганилган ва умуман ҳалигача ўрганилмаган муаммоларни аниқлаб, уларни ёритишга янгича ёндашув лозимлигини кўрсатади. Бу ёндашув Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёнини ҳар томонлама мукамал қиёсий таҳлил қилган ҳолда ёритилиши билан белгиланади.

Диссертация иши Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўрганиш, совет тузуми сиёсати асл моҳиятини очиб бериш, мустақиллик йилларидаги ўзгаришларни илмий асосда таҳлил қилиш ҳамда ўрганишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

тадқиқотда совет ҳокимиятининг Наманганда зўрлик билан ўрнатилишига қарши олиб борилган курулди кураш тарихини ёритиш;

совет давлати томонидан амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий “ислоҳот”ларнинг асл моҳиятини очиб бериш;

вилоят меҳнаткашларининг иккинчи жаҳон урушидаги иштирокини янги маълумотлар асосида ёритиш;

Наманган вилоятининг турғунлик йиллари ва “қайта қуриш” давридаги аҳволини таҳлил этиш;

мустақиллик йилларида Наманган вилоятида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва дастлабки натижалар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

миллий-маданий қадриятларнинг тикланиши ва ўзликка қайтишнинг айрим жиҳатларини Наманган вилояти мисолида кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг даврий чегараси қилиб 1917 йилда совет ҳокимиятининг ўрнатилишидан Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши (1991 йил) ва ҳозирги кунларгача бўлган давр белгиланди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари. Ўзбекистон тарихи фанида ҳаққонийлик, холислик, тарихийлик каби жаҳон тарихшунослиги анъаналарига асосланган янги услубий қарашлар, ёндошувлар қарор топди. Масалани ўрганиш жараёнида тадқиқотчи томонидан тарихийлик тамойилига, янгича фикрлаш, ҳаққоний илмий таҳлилга асосланилди. Тадқиқот жараёнида мавзуга умуммиллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол мафкурасидан келиб чиққан ҳолда ёндошилди. Ушбу тадқиқотни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқ ва

коммунизм” сиёсати // Ўзбекистон тарихи.-Тошкент, 2003.-№ 3.-Б. 31-33.; Юнусова Х. Совет қатағон сиёсатининг сўнгги босқичи тарихидан // Ўзбекистон тарихи.-Тошкент, 2003.- № 3.-Б.43; Мирзааҳмедов Х. Саноатда қўшма корхоналарни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш хусусиятлари (Наманган вилояти мисолида). Геог.фан. ном. дис. ... автореферати. –Т., 2003.-26 б.; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати.-Бухоро, 2005.

мақолаларида илгари сурилган ғоя ва фикрлар назарий асос бўлиб хизмат қилди. Мустақиллик руҳи билан суғорилган устувор услубий ва илмий-назарий йўл-йўриқлардан, методологик асослардан келиб чиққан ҳолда мазкур муаммо тадқиқ этилди.

Химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- биринчидан, истиқлол йилларида ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини ёритиш бўйича талайгина ишлар амалга оширилган бўлса-да, бевосита Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йиллари тарихига бағишланган йирик илмий тадқиқотнинг эълон қилинмаганлиги;

- иккинчидан, совет тузумининг моҳиятини очиб бериш ва мустақиллик йилларида эришилган натижаларни теранроқ англаб етиш учун воқеликка маълум бир ҳудуд ёки вилоят мисолида баҳо берилиши тарихий ҳақиқатни янада чуқурроқ таҳлил этиш имкониятини беради;

- учинчидан, вилоятлар тарихига оид тадқиқотларнинг эълон қилиниши республика тарихини янада бойитишга ва уни мукаммал маълумотлар асосида ёритиш учун шароит яратади. Юқоридаги омиллар мазкур тадқиқотнинг химояга олиб чиқиш учун асос вазифасини ўтади.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Манбаларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Архив ҳужжатлари;
2. Даврий матбуот материаллари;
3. Эълон қилинган ҳужжатлар, расмий статистик маълумотлар ва хотиралар.

Манбаларнинг биринчи гуруҳига архив ҳужжатлари киритилган бўлиб, тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎЗР МДА)нинг қуйидаги фондларидан фойдаланилди:

- М-7 фонд Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Р-17 фонд ТАССР ишчи, деҳқон ва аскар депутатларининг Марказий Ижроия Комитети, Р-25 фонд ТАССР Халқ Комиссарлари Совети, Р-34 фонд ТАССР Маориф Халқ Комиссарлиги, Р-40 фонд ТАССР Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги, Р-86 фонд ЎзССР ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатларининг Марказий Ижроия Комитети, Р-90 фонд Ўзбекистон ССР Ер Ишлари Халқ Комиссарлиги, Р-94 фонд Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги, Р-95 фонд Ўзбекистон ССР ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ Комиссарлиги, Р-837 фонд ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети, Р-2487 фонд Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги.

Ушбу юқорида қайд этилган архив фондларида диссертант томонидан Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ривожланиш ҳолатини, большевиклар режимининг ўлкада зўрлик билан ўрнатилиши, мустамлакачилик сиёсатининг олиб борилиши, иқтисодий ривожланиш борасида Марказ манфаатларининг устиворлигини, давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва вилоятдаги туб ижтимоий ўзгаришлар, миллий-маданий

кадриятларнинг тикланиши ва умуман мазкур давр тарихини ҳар томонлама ёритиб берувчи кўплаб маълумотлар тўпланди.

Шунингдек, мавзуни ёритишда Наманган вилоят давлат архиви (НВДА) нинг 13, 62, 265, 267, 275, 796 - фондлари ҳужжатларидан, Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА) нинг 121, 435-фондлари ҳужжатларидан фойдаланилди.

Манбаларнинг иккинчи гуруҳи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, даврий матбуот материалларидан хусусан, “Улуғ Туркистон”, “Свободный Туркестан”, “Красная Фергана”, “Туркестанская правда”, “Известия”, “Рабочий путь”, “Совет Ўзбекистони”, “Наманган ҳақиқати”, “Чуст ҳақиқати” каби газеталардан тадқиқотда кенг ўринларда фойдаланилди²¹.

Учинчи гуруҳ манбаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари²², вилоят статистика бошқармаси маълумотлари²³ ва хотиралар ташкил этади.

Диссертант мавзуни ёритиш жараёнида воқеаларнинг бевосита гувоҳлари бўлган шахслар билан мулоқотлар олиб борди. Эсдаликларга таянилган ҳолда, керакли ўринларда улардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги шундаки, унда Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти илк бор алоҳида илмий-тадқиқот мавзуси сифатида ҳолисона, объектив, умумлаштирилган ҳолда қиёсий таҳлил этилди. Тадқиқотнинг илмий янгилиги яна шу билан изоҳланадики, Наманган вилояти тарихини ёритишда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви фондлари билан бир қаторда вилоят ҳамда туманларнинг архив фондларида сақланаётган, ҳали ўрганилмаган ҳужжатлар илк бор илмий муомалага киритилди. Совет даври ва мустақиллик йилларида чоп этилган матбуотдаги мақолалардан ҳам кенг фойдаланилди. Шунингдек, илмий ишда диссертант томонидан алоҳида шахслар билан олиб борилган мулоқотлар жараёнида тўпланган асосли маълумотларни ҳам дала материаллари сифатида тадқиқотга киритилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Диссертациядан ўлканинг совет мустамлакачилиги даври ва мустақиллик йиллари тарихига бағишланган махсус монографиялар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар чоп этишда ҳамда тадқиқотда келтирилган маълумотлардан олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида Ўзбекистон тарихининг мазкур даврига оид махсус курс ва семинарларни Наманган вилояти мисолида ташкил этишда, ундаги

²¹ Даврий матбуот материаллари рўйхати тадқиқот сўнггида келтирилган.

²² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори //Ўзбекистон овози.-1998.-28 июл.

²³ Наманган вилояти ҳокимлиги статистика бошқармасининг 1991-2007 йиллар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари; Наманган вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 1991-2007 йиллар учун маълумотлар тўплами. Изоҳ: Мазкур маълумотлар қўлёзма (компьютерда терилган нусха) шаклида олинган бўлиб (муҳр ва имзо билан тасдиқланган ҳолда), тадқиқотчининг шахсий архивида сақланади.

материаллардан Ўзбекистон тарихининг айрим қирраларини ёритишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот апробацияси. Диссертациянинг асосий хулосалари илмий жамоатчиликка муаллиф томонидан чоп этилган илмий мақолаларда, Наманган Давлат университетида ўтказилган “Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжуманида етказилган. Шунингдек, диссертация Наманган Давлат университети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида бўлиб ўтган мазкур тадқиқотнинг муҳокамаларида, Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Тарихга ихтисослашган Илмий семинар йиғилишида, Андижон Давлат университети Тарих-иқтисод факультети қошидаги илмий семинар йиғилишида ва Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультети қошидаги илмий семинар йиғилишларида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 5 та илмий мақола ва 2 та тезисда ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, илова, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 178 бетни ташкил қилади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танлаб олинган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, илмий жиҳатдан ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, даврий чегараси, назарий-услубий асослари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, манбавий асослари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек, таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг “**Наманганда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши**” деб номланувчи биринчи бобида 1917 йил феврал инқилобидан сўнг Туркистонда, хусусан Наманганда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ташкил этилган миллий жамият ва ташкилотлар, уларнинг фаоллари ҳақида маълумотлар бериб ўтилган. 1917 йил октябр давлат тўнтариши ва большевикларнинг ҳокимияти тепасига келиши, Туркистон Мухториятининг ташкил топиши ва тор-мор этилиши, қуролли қаршилиқ ҳаракати масалалари ёритиб ўтилган.

Петроградда амалга оширилган феврал инқилобининг таъсири натижасида 1917 йил март ойининг бошларида ўлка мусулмон зиёлиларининг “Шўройи Исломия” жамияти тузилди. Ўз навбатида Наманганда 1917 йил апрель ойида маҳаллий жаҳидларнинг ташаббуси билан бу жамиятнинг бўлими очилди ²⁴. 1917 йил октябр-ноябр ойига келганда ўлкадаги

²⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000.-Б. 24-26.

ижтимоий-сиёсий вазият кескин ўзгарди. Марказда ҳокимиятни большевиклар қўлига ўтиши-“октябр тўнтариши” (1917й) Туркистонда ҳам ўз натижасини кўрсатди. Фақатгина, 1918 йилнинг 16 январига келиб, Наманганда совет ҳокимияти ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди²⁵. Тадқиқотда ушбу масалаларга кенг ўрин бериб ўтилган.

Туркистон Мухторияти тор-мор этилиб, маҳаллий аҳолига нисбатан жазо компанияси авж олдирилгач, вилоят ҳудудида ҳам унга қарши қуроли ҳаракат вужудга келди. Наманган уездидаги қаршилик ҳаракатида аҳолининг турли табақалари иштирок этди. Ушбу жиҳатлар ҳам тадқиқотда ўз ифодасини топган.

Фарғона водийсида қизил армиянинг қуроли қаршилик ҳаракати гуруҳларига қарши олиб борган ҳарбий операциялари натижасида хўжалик бошқаруви издан чиқди. Иқтисодий аҳвол эса ғоят даражада оғирлашиб кетди. Масалан, 1917 йилдан 1920 йилгача чорва моллар сони тенг ярмига қисқариб кетди. Фарғона водийсида 1917 йил 157538 от, 526686 қорамол, 14283 туя, 561197 қўй ва 5525 бош эчки бор эди. Лекин 3 йил ичида Фарғонада юк ташувчи отлар 5 марта ва қўшга қўшилувчи хўкизлар 4 марта камайди²⁶.

Диссертацияда совет ҳокимиятининг дастлабки кезларида иқтисодий соҳада юритган сиёсатининг фожиаи оқибатлари таҳлил этилган. Масалан, иқтисодий соҳадаги зўравонларча бошқарув тадбирлари охир-оқибатда 1921-1923 йилларда Фарғона водийсида ҳам очарчиликни келтириб чиқарди. 1922 йилнинг сентябрь-октябр ойига келиб, Наманган уездида истиқомат қилувчи жами аҳолидан очлар 53309 кишини, очлик хавф солаётганлар 23930 кишини, очарчилик туфайли кўчиб кетганлар 3211 кишини, очликдан ўлганлар 4757 кишини ташкил этар эди²⁷.

Қуроли муҳолифатга қарши қизил армиянинг олиб борган қонли жанглари аҳоли сонининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Масалан, Наманган вилояти ҳудудида 1911 йилда жами аҳоли 473,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 1926 йилда 397,8 минг кишига тушиб қолди²⁸.

Шундай қилиб, XX аср 20-йилларининг ўрталарига келиб, Наманган ҳудудида қуроли қаршилик ҳаракатининг асосий кучлари тор-мор этилди. Совет ҳокимияти сиёсий тузум сифатида мустаҳкамланди. Хўжалик соҳасида янгича иқтисодий муносабатлар тизими ишлаб чиқилди, коммунистик “ислохотлар” даври бошланди. Қишлоқ хўжалигида ёппасига жамоалаштириш, хусусий мулкчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш, ягона қолипда фикрлашга мажбур этиш, совет ҳокимият тизимидаги ўзига хосликларни намоён этар эди. Наманган вилояти ҳудудида ҳам бундай “ислохотлар”дан четда қолмади.

²⁵ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 16-варақ.

²⁶ Ҳайдаров М. Туркистон иқтисодиётида “Ҳарбий коммунизм” сиёсати // Ўзбекистон тарихи. -Тошкент, 2003. -№ 3.-Б. 31-33.

²⁷ ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1391-иш, 100-104-варақлар.

²⁸ Акрамов З.М. Наманганская область (историко-географический очерк).-Т.: АН Уз ССР, 1955.-С.49.

Диссертацияда таъкидланганидек, совет ҳокимияти ўзининг дастлабки тадбири сифатида ишни омма орасида ўз ғояларини тарғиб қилувчи миллий нашрлар ташкил этишдан бошлади. Шу даврдан эътиборан “Ишчилар қалқони”, “Эркинлик”²⁹, “Уйғониш”³⁰, “Қизил тикон”³¹ номли газета-журналлар нашр этила бошлади.

Тадқиқотда вилоят аҳолисининг ушбу даврдаги ижтимоий аҳволи, тиббий хизмат масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Масалан, совет ҳукуматининг дастлабки пайтларида Наманган уездида аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси, тиббий хизмат кўрсатиш анча паст даражада эди. Таъкидлаш жоизки, 1921 йили Наманганда 1 та амбулатория, 3 та врач бўлган холос³².

1921-1922 йилларда Россиянинг Марказий ҳудудларида юз берган даҳшатли очарчиликни бартараф этишда бутун туркистонликлар қатори, наманганликлар ҳам очларга ёрдам кўрсатиш ишларида фаол қатнашдилар³³.

Диссертацияда совет ҳукуматининг Наманган вилоятида олиб борган жамоалаштириш, кулоқлаштириш ва катагон сиёсатига ҳам батафсил тўхталиб ўтилган. Мазкур жараёнларнинг маҳаллий аҳоли учун фожиаги жихатлари вилоят мисолида очиб берилган. Колхозлаштиришга қарши кўтарилган исёнлар зўрлик билан бостирилди. 1930 йилнинг бошларида республикадаги айрим районлар ёппасига жамоалаштириш районлари деб эълон қилинди. Ҳозирги Наманган вилояти ҳудудига кирувчи Норин, Чуст-Поп, районлари ҳам ушбу рўйхатдан ўрин олди. Шунга кўра, Норин районида жамоалаштириш 1929 йилнинг 1 октябрига 10,2 % ни, Чуст-Поп районида эса атиги 3 % ни ташкил этган бўлса, 1930 йилнинг 25 февралига келиб, бу кўрсаткич биргина Норин районида 95,6% ни ташкил этди³⁴. Жамоалаштиришга қарши чиққанларни қамаш, сургун қилиш, уларга “кулоқ” тамғасини ёпиштириш авж олди. Биргина Чуст тумани бўйича 1930-1932 йилларда 1493 киши кулоқ қилиниб, 67 киши қамокқа олинган³⁵. Шунингдек, Наманган туманидан ҳам 1930-1932 йилларда 1108 киши³⁶ “кулоқ” қилинди. Биргина Чуст тумани мисолида кулоқ қилинганларнинг 10% и 60-90 ёшли қариялар, 40% и 16 ёшгача бўлган болалар, 50% и 16-60 ёшгача бўлган кишилар бўлиб, шундан 40% и аёллар эди. Кулоқ қилинганлар рўйхатида 1 ёшлик болаларни ҳам кўплаб учратиш мумкин³⁷. Аксарият ёш болалар

²⁹ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 48-варақ.

³⁰ Мирзалиев Э.Ю., Бозорова М.Т. Наманганнинг XIX аср охири XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши.-Наманган: 1998.-Б. 56.

³¹ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 48-варақ.

³² ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 190-иш, 1416-варақнинг орқа томони.

³³ Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йиллар). -Т.: Университет, 2005.-Б. 95-96,118.

³⁴ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида).-Т.: Шарқ, 2003.-Б. 26,61,134.

³⁵ НВДА Чуст туман филиали, 339-фонд, 1-рўйхат, 2-иш.

³⁶ НВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 523-иш, 38, 59 варақлар.

³⁷ НВДА Чуст туман филиали, 339-фонд, 1-рўйхат. 1-2 иш.

нотаниш шароит ва қийинчиликларга бардош беролмай нобуд бўлиб кетдилар.

Диссертациянинг ушбу бобида XX асрнинг 30-йилларидаги совет ҳукуматининг қатағон сиёсати Наманган вилояти мисолида атрофлича таҳлил этилган. Наманганлик ижод аҳлидан Ибрat, У.Носир, Сўфизода, Р.Мўмин, Л.Олимий, С.Холдорова, миллий раҳбар кадрлардан И.Хидиралиев, И.Низомбоев, М.Эрматов, Н.Қориев, Ш.Шомансуров, М.Шоҳимардонов, хўжалик соҳасидаги кадрлардан А.Халилбеков, Д.Эгамбердиев, ҳарбий кадрлардан М.Шомирбоев, Ҳ.Раҳматов, дин арбобларидан А.Мирҳайитов, У.Сайидахмедов, оддий жамоа хўжалиги аъзоларидан Т.Раҳимов, С.Сайидматов. Э.Шомансуров, Ҳ.Бобоназаров, А.Қориев, М.Муллажанов, А.Азизов, О.Ҳожиматов каби кўплаб кишилар қатағонлик домига тортилдилар. Мустақилликнинг дастлабки йилида қатағон этилганлар ишини қайта кўриш жараёнида наманганлик 900 нафар кишининг номлари ҳам оқланди³⁸.

Шундай қилиб, XX аср 30-йилларининг охирларига келиб, бутун Ўзбекистонда бўлганидек Наманганда ҳам социалистик турмуш тарзи қарор топди. СССР Олий Совети Президиумининг фармониға мувофиқ, 1941 йилнинг 6 мартида Ўзбекистон ССР таркибида Наманган области ташкил этилди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Наманган вилояти иккинчи жаҳон уруши ва турғунлик йилларида”** деб номланади.

Ушбу бобда Наманган вилояти аҳолисининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фидокорона меҳнати, ғалабани таъминлашға қўшган ҳиссаси, урушдан кейинги тикланиш йилларидаги машаққатлар, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг мустаҳкамланиб бориши, миллий ва диний кадриятларни ҳукмрон мафкура манфаатларига бўйсундирилиши, турғунлик йилларидаги ҳолатлар, қайта қуриш йиллари, ушбу даврдаги ижтимоий муаммолар асосли далиллар билан чуқур тадқиқ этилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида барча ўзбекистонликлар қатори наманганликлар ҳам бор имкониятларини фашизм устидан қозониладиган ғалаба учун сафарбар этдилар. Урушнинг дастлабки кунлариданок наманганликлар муҳофаа жамғармалари ташкил этиш ва фронтға моддий ёрдам беришда фаол иштирок этдилар. 1941 йил Чуст шаҳар Н.К.Крупская номли мактаб ўқитувчиларидан 23 киши ҳар ойлик маошларининг бир кунлигини то уруш тугагунға қадар муҳофаа фонди учун ажратдилар. Мактаб ўқувчилари ташаббуси билан эса фронтға посилкалар юборилди³⁹. 1941 йил Наманган вилоятиға Украина, Белоруссия ва Болтиқбўйи республикаларидан 19 минг киши эвакуация қилинди. Наманган туманининг Куйбишев номли

³⁸ Наманган ҳақиқати.-1991.-19 март.

³⁹ Санақулов Х. Чуст.-Т., 1992.-Б. 23.

жамоа хўжалиги ҳудудида поляк етимлари учун “болалар уйи” ташкил этилди⁴⁰.

Ушбу йилларда жамоа хўжаликларида фронт учун қўшимча тарзда “мудофаа гектари”⁴¹ экиш кенг тус олди. Тўрақўрғон тумани жамоа хўжаликлари биринчи бўлиб 10 гектар “мудофаа гектари” экидилар. Мазкур ерларда етиштирилган ҳосил тўлалигича фронтга жўнатилди. Вилоят меҳнаткашлари 1942 йилда фронт учун 132,3 гектар “мудофаа гектари” экидилар. 1942 йил 22 июнигача вилоят меҳнаткашлари мудофаа фондига 1 миллион 41 минг сўм пул топширдилар⁴².

Вилоятдан 1942 йилнинг октябр ойининг ўзида фронтдаги жангчиларга 1620 кг гуруч, 5201 кг куруқ мева, 8059 кг ёнғоқ, 426 кг асал, 13570 кг хўл мева, 87 бош қўй-эчки, 157 та товук, 6070 кг сабзавот, 470 кг курут, 2774 кг дон, 60556 сўм пул, 10 кг жун, 5 та тери жўнатилди. Вилоятда 1943 йили танк ва самолётлар қуриш учун 45 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тўпланди. 1943 йил иккинчи давлат ҳарбий заёмига ёзилиш вилоят бўйича 31 млн 93 минг сўмни ташкил этди⁴³. Ҳаракатдаги армияни қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш мақсадида маблағ йиғиш ишлари давом этди. Шу мақсадда 1944 йилнинг декабрида танк колоннаси ва авиаэскадрилья қуриш учун 665116 сўм маблағ тўпланди⁴⁴.

Кўплаб фуқаролар ушбу йилларда ўз шахсий жамғармаларини ҳам мудофаа фондига ўтказдилар. Масалан, “Наманган колхозчиси” танк колоннасини қуриш учун 74 миллион сўм, “Ўзбекистон колхозчиси” авиаэскадрильяси тузиш учун 38 миллион сўм маблағ йиғилди⁴⁵.

Диссертацияда наманганлик жангчиларнинг фронтдаги жасоратлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Жанг майдонларида кўплаб наманганликлар жасорат намуналарини кўрсатдилар. Масалан, Қ.Мусабоев, А.Нуроно, бўлинма командири З.Дадабоев, гвардиячи капитан М.Жабборов ва бошқаларнинг жанг майдонларидаги қаҳрамонликлари ҳам ёритиб ўтилган. Қораполвон қишлоғидан А.Нуроно 1944 йилнинг октябрида Ригани озод қилишдаги жангларда 110 та фашистни ер тишлатди. Шу туфайли пулемётчи А.Нуроно “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди⁴⁶.

Уруш йилларида Наманган вилоятидан фронтга 79 мингдан ортиқ киши сафарбар қилинди. Улардан 24 минг киши уруш жанггоҳларида, ҳарбий госпиталларда ва фашистларнинг концентрацион лагерларида ҳалок бўлди ёки бедарак йўқолдилар. 23 минг наманганликлар жанговор орден ва медаллар

⁴⁰ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 7-варақ.

⁴¹ Уруш йилларида қишлоқ меҳнаткашлари икки хил кўринишда “мудофаа гектарлари” экидилар: 1.Бевосита фронтни маҳсулот билан таъминлаш учун экилган; 2.Озод этилган ҳудудлар аҳолисига моддий ёрдам тариқасида экилган.

⁴² Гаффоров Ф. Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар: Наманган давлат университетида 1995 йил 27-28 апрелда бўлиб ўтган илмий конференция материаллари.-Наманган: 1996.-Б. 149.

⁴³ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 11-18-варақлар.

⁴⁴ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 23-24-варақлар.

⁴⁵ Ҳақимов Б. Юксалиш доволари // Наманган ҳақиқати.-1991.-2 апрел.

⁴⁶ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 20-24-варақлар.

билан мукофотландилар⁴⁷. Вилоятдаги жамоа хўжаликлари уруш йилларида 500 минг тоннадан зиёд пахта, 42 минг тонна ғалла етиштириб бердилар⁴⁸.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда вилоят аҳли учун ғоят оғир бўлган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга тўғри келди. Бунга кўшимча равишда республиканинг барча меҳнаткашлари қатори наманганликлар ҳам урушдан зарар кўрган республикаларнинг ўз хўжаликларини тиклаб олишлари учун ёрдам беришлари лозим эди. Қишлоқ хўжалигидаги диққат-эътибор яна пахта экин майдонларини кенгайтиришга қаратилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида раҳбар кадрлардан 2850 таси урушга қақирилган бўлиб, уларнинг аксарияти урушдан қайтмади. Шу боис, урушдан кейинги йилларда раҳбар ходимларнинг кўпчилиги тегишли даражадаги маълумотга эга эмас эди. 1948 йилда 482 колхоз раисидан 33 таси ўрта, 106 таси тўлиқсиз ўрта, 200 таси бошланғич маълумотга эга эди, холос⁴⁹.

XX аср 60-йилларининг иккинчи ярмидан 70-йилларининг ўрталарига қадар вилоят қишлоқ хўжалигида юксалиш ҳолатлари кўзга ташланади. 1971 йилга келиб, вилоятдаги экин майдонларининг 71% ига пахта экилар эди. XX асрнинг 70-йилларида вилоятда кўплаб янги ерлар ўзлаштирилди. Лекин ерларнинг мелиоратив ҳолати яхши эмаслиги туфайли, ҳосилдорлик 6-7 центнердан ошмади⁵⁰. Янги ерларнинг бу тарзда ўзлаштирилиши экологик муаммоларни келтириб чиқарса, иккинчи томондан давлат бюджетига етказилган катта зарар эди.

XX асрнинг 70-йиллари бошларидан эътиборан хўжаликнинг айрим соҳаларида турғунлик ҳолатлари кўзга ташлана бошлади. Қатор саноат корхоналари давлат режаларини бажармадилар. Наманган вилоятида 1977 йилга келиб 20 та саноат тармоғи бўйича 78 та саноат корхонаси мавжуд эди. Бироқ, 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодиётнинг маъмурий буйруқбозлик тизими асосида бошқарилиши ўзининг салбий натижаларини бера бошлади. 1978 йилнинг 11 ойи давомида асосий фондларни ишга тушириш режаси 74%га бажарилди холос⁵¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1960 йил 25 январдаги фармонида кўра, Наманган вилояти тугатилиб⁵², 1967 йил 18 декабрдаги фармонида кўра, Наманган вилояти яна қайта тикланди⁵³.

Диссертацияда вилоятнинг совет давридаги демографик муаммолари ҳам қиёсий тарзда ўрганилган. 1975 йил вилоятдаги аҳоли сони 995600 кишини ташкил этиб, улардан 14 ёшгача бўлган болалар жами аҳолининг 44% ини ташкил этар эди. Бу кўрсаткич, собиқ Иттифокда 29% га, Ўзбекистонда

⁴⁷ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 27-варақ.

⁴⁸ Янги марралар сари // Наманган ҳақиқати. -1991.-20 март.

⁴⁹ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 11-варақ.

⁵⁰ НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 12-варақ.

⁵¹ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 12-иш, 206-варақ.

⁵² Ўзбекистон Республикаси Олий совети Президиумининг фармони // Наманган ҳақиқати. - 1960.-27 январ.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Олий совети Президиумининг фармони // Совет Ўзбекистони. - 1967.-19 декабр.

эса 40% га тенг эди. 1975 йилда аҳоли салмоғининг 50% га яқини болалар ҳисобига тўғри келар эди⁵⁴.

1960-йилда ҳар 10 минг аҳолига 7 та врач тўғри келган бўлса⁵⁵, 2006 йилда вилоятда ҳар ўн минг аҳолига 23,1 врач тўғри келди⁵⁶.

XX асрнинг 40-йилларининг охири 50-йилларининг бошларида совет жамиятида сиёсий қатағонликларнинг янги палласи бошланди. Ушбу қатағонларга кўплаб наманганлик адабиёт ва санъат аҳли, зиёли ва ижодкорлар ҳам дучор бўлдилар.

Тадқиқотда совет жамиятидаги таълим тизимининг моҳиятини очиб беришга ҳам эътибор қаратилган. Кўплаб малакали педагог кадрларнинг жанг майдонларидан қайтмаганлиги сабабли ўқитувчи ходимлар масаласи ҳал этилмаган эди. Таълим тизими раҳбарлари, мактаб директорларининг 60 % идан кўпроғини тегишли маълумотга эга бўлмаган кишилар ташкил этар эди⁵⁷. 1946-1947 йилларда вилоят бўйича 944 та ўқитувчи ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга эмас эди⁵⁸.

Совет ҳукмронлиги даврида ўзбек халқининг миллий ва диний кадриятлари оёқ ости қилинди. Вилоят сессияларининг бирида Чортоқ тумани Айқирон қишлоғи ҳудудида иккита мазорнинг мавжудлиги ҳам руҳонийларнинг фаолияти туфайли деб баҳоланди⁵⁹. Сессияларда кишиларни муқаддас қадамжойлар-марҳумлар қабрини зиёратига боришларига қарши кураш олиб бориш зарурлиги ўқтирилди. Вилоят сессияларида “эскича” деб таърифланган урф-одатлар аслини олганда халқимиз асрлар давомида эъзозлаган ҳамда авайлаб келган миллий кадриятлар эди.

1984 йил 23 мартдаги халқ депутатлари вилоят кенгашининг XVIII чақириқ VIII сессиясида жумладан шундай дейилган эди: “...Илмий атеистик пропагандани кучайтириш, динга ишонувчиларни ижтимоий-меҳнатга жалб этиш, совет урф-одатларини турмушга кенг жорий этиш бўйича зарурий чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир...”⁶⁰.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур даврда Намангандан илм-фан, адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларида фаолият юритган таниқли арбоблар ҳам етишиб чиқдилар. Масалан, СССР Медицина Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси Э.И.Отахонов, академиклар – Ё.С.Тўрақулов, М.Салоҳиддинов, А.Асқаров, М.Абдуллаев, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси Ж.Ҳ.Ҳамидов, филология фанлари доктори, профессор Т.Ҳ.Ҳамидова, П.Турсун, Й.Шамшаров, Ж.Абдуллахонов, З.Диёр,

⁵⁴ НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2597-иш, 200-варақ.

⁵⁵ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 23-варақ.

⁵⁶ Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. Вилоят статистика бошқармаси умумлаштириш бўлими 1991-2007 йиллар маълумотлари.- Б.39.

⁵⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Т.: Шарқ, 2000.-Б. 571.

⁵⁸ ЎзР МДА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 5487-иш, 20-варақ.

⁵⁹ НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 580-иш, 112-варақ.

⁶⁰ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 205-иш, 83-варақ.

Чустий, Ҳ.Нурий, Ҳ.Шарипов, С.Анорбоев, Ҳ.Саъдулла, С.Эшонтўраева ва бошқалар.

Совет бошқарув тизими учун хос бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизими, объектив имкониятларни инобатга олмай қабул қилинган ва уддаланиши мумкин бўлмаган “беш йиллик” режалари табиий равишда кўзбўямачилик, кўшиб ёзишларни келтириб чиқарди. XX аср 80-йилларининг ўрталарига келиб, совет жамиятида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида танглик ҳолати кучайиб борди.

1985 йили 11 та корхона халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаларини уддаламадилар. 1985 йил вилоят бўйича асосий фондларни ишга тушириш режаси 32 миллион сўмга бажарилмай қолди⁶¹. 1987-1989 йилларда саноатда меҳнат унумдорлиги 57% га камайиб кетди⁶². Бунинг сабаби кўп заводларнинг техникавий жиҳатдан эскирганлиги, кадрлар қўнимсизлиги ва бошқалар эди.

Иқтисодиётнинг баъзи жабҳаларида ютуқлар ҳам кўзга ташланди. Бироқ, айрим ижобий силжишларга қарамай, халқ истеъмоли молларининг турлари ва сифати аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўла қондира олмади. Қишлоқ хўжалиги борасида эса ортга кетиш яққол кўзга ташлана бошлади. 1980 йил 37 та хўжалик режаларни бажара олмади⁶³. 1983 йил вилоят бўйича 1900 тонна гўшт, 11,7 млн дона тухум кам етиштирилди⁶⁴.

XX аср 70-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб, 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган давр мобайнида расмиятчилик, кўзбўямачилик, кўшиб ёзишлар оқибатида натижалар сохталаштирилди. Масалан, 1980 йилнинг ўзида Тўрақўрғон туманидаги “Шарқ юлдузи” колхози – 1002 тонна, Уйчи туманидаги Свердлов колхози 713 тонна ем-хашакни кўшиб ёзганлар. Чуст туманидаги Ленин номли колхозда 91,9 тонна, “Ленинград” колхозида эса 39 тонна сут ошириб ёзилганлиги аниқланган⁶⁵. Маъмурий-буйруқбозлик тизими хўжалик ривожланишида иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун экстенсив йўлни танлашга мажбур этар эди. Шу билан бирга, самарасиз ортиқча ерларни ўзлаштирилиши оқибатида сув ресурслари исроф қилинди. Қишлоқ хўжалиги тараққиётида интенсив усуллардан фойдаланмаслик, асосий ишнинг қўл кучи орқали бажарилиши пахта таннархининг ошиб боришига олиб келди. Масалан, 1983 йилда 1 центнер пахтанинг нархи 49 сўм 6 тийинни ташкил этган бўлса, 1984 йилда 53 сўм 21 тийинга тўғри келди⁶⁶.

XX аср 80-йилларининг охирларида вилоят бўйича жон бошига 0,15 гектар экин майдони тўғри келди, республика бўйича эса бу кўрсаткич 0,22 гектарни, собиқ Иттифоқда эса 0,74 гектарни ташкил этди. Бундай ҳолат аҳоли даромади ҳажмининг ўсишига салбий таъсир қилди. Мазкур факт қолаверса,

⁶¹ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 429-иш, 24-25,28-варақлар.

⁶² НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 1-варақ.

⁶³ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 27-иш, 170-171-варақлар.

⁶⁴ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 200-иш, 42-43-варақлар.

⁶⁵ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 27-иш, 53-54-варақлар.

⁶⁶ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 201-иш, 53-варақ.

аҳоли сонининг табиий ўсиши, яъни бу республика кўрсаткичларидан 10%, собиқ Иттифоқ даражасидан 3,5 баробар ортиқ бўлиб, ижтимоий соҳада кескин вазиятни вужудга келтирди⁶⁷.

Вилоят бўйича жиноий ҳаракатлар 1983 йилда 28,4% ошди. 1989 йилнинг 8 ойида вилоятда деярли барча турдаги жиноятлар кўпайди. Шу жумладан, оғир жиноятлар ўтган йилнинг 8 ойига нисбатан 44,8% га ўсди⁶⁸. Вилоятда жиноятлар сонининг ортиб бориши, йиллар давомида бу ердаги ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинмаганида эди.

Вилоятда 1988 йилда жон бошига ишлаб топилган миллий даромад республика даражасига нисбатан 85% ни, собиқ Иттифоқдагига таққослаганда эса 41% ни ташкил этди⁶⁹.

“Мустақиллик йилларида Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар” деб номланувчи учинчи бобда истиқлол йилларида Наманган вилоятида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, маданият ва спорт соҳасида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги саъйи ҳаракатлар таҳлил этилган.

Мустақиллик қўлга киритилгач, иқтисодиётнинг ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш изчил тарзда амалга оширила бошланди. Мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида нодавлат секторининг ҳиссаси ошиб борди.

Вилоят республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим ва ўзига хос ўринга эга. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Наманганда республика аҳолисининг 7,6 %и истиқомат қилди. Вилоят Ўзбекистонда яратилаётган миллий даромаднинг 7 %ини берди. Шу йиллари ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг салкам 8 %и, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 7 % и вилоят ҳиссасига тўғри келди⁷⁰.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари орасида Ўзбекистон аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Яъни, 1 км² га 51,4 киши тўғри келади⁷¹. Бу кўрсаткич, Фарғона водийси, хусусан Наманган вилоятида бутун дунёдаги энг юқори даражалардан бирини ташкил этиб, 2007 йил 1 январ ҳолатига кўра, 1 км² га 287 кишидан тўғри келди⁷².

Мустабид тузумдан мерос сифатида қолган ва йиллар давомида тўпланган ҳамда ўз ечимини топа олмаган ижтимоий муаммолар Наманган вилояти ҳудудида мустақилликнинг қўлга киритилиши ва мустаҳкамланишида ўзига хос кўринишларда намоён бўлди. Бу биринчи навбатда, демографик

⁶⁷ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 687-иш, 4-5-варақлар.

⁶⁸ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 834-иш, 153-варақ.

⁶⁹ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 687-иш, 4-варақ.

⁷⁰ Рапиғалиев Б. Бутун куч ва эътибор-давлатимиз мустақиллигини амалий ишлар билан мустаҳкамлашга! //Наманган ҳақиқати.-1993.-23 феврал.

⁷¹ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-Б. 173.

⁷² Наманган вилояти ҳокимлигининг статистика бошқармаси 1991-2007 йиллар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. -Б. 1.

муаммолар, ишсизликнинг юқори даражадалиги, мавжуд иш ўринларининг етишмаслиги, аҳоли салмоғида ёшларнинг катта нуфусга эгалиги каби жиҳатлари билан изоҳланади. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки кезларида вилоят раҳбарияти олдида ушбу муаммолар кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар сифатида турар эди. Масаланинг бу жиҳатлари ҳам тадқиқотда ўз ифодасини топган.

Вилоят аҳолисининг табиий ўсиши юқорилиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, 1926 йилда ҳозирги вилоят ҳудудида 397,8 минг киши истиқомат қилган бўлса⁷³, 2007 йилга келиб вилоят аҳолиси 2139,7 минг кишига етди⁷⁴.

1979 йилдан 1992 йилгача қишлоқ аҳолиси Наманган вилоятида 722 мингдан 963 минг кишига кўпайди⁷⁵. Бу ҳолат ўз навбатида меҳнат ресурсларининг қишлоқда тўпланишига ва ишсизлик сонининг ортишига олиб келди. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки кезларида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, айниқса ишсизларни ишга жалб этиш уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш долзарб муаммога айланди.

Диссертациянинг ушбу бобида аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўламига ҳам кенг ўрин берилган. Масалан, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида биргина Чуст шаҳар ҳокимияти 1993 йилда кам таъминланган оилалар ва етим болалар учун 3 та никоҳ ва 2 та суннат тўйи ўтказиб берди⁷⁶.

1994 йилнинг IV чорагида Наманган шаҳри ҳудудидаги 64 та маҳалланинг жамғарма банкида очилган махсус ҳисоб рақамларига жами 4293,2 минг сўм ажратиб туширилди. Ўтган 3 ой мобайнида маҳаллаларнинг муҳтож аҳолисидан моддий ёрдам сўраб 3569 дан ортиқ киши мурожат қилди. Улардан 3425 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди⁷⁷.

Мустақиллика қадар бир ҳовлида икки-уч хўжаликнинг бирга яшаши одатий бир ҳол эди. Томорқалар ажратиб бериш борасидаги кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг турар жойларга бўлган эҳтиёжини қондира олмас эди. 1992-2000 йиллар ичида вилоят аҳолисига 136126 та ер участкаси берилиб, 90465 оила ҳовли тўйи ўтказилди⁷⁸.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш борасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Масалан, агар 1970 йилда Наманган вилоятида 98 та шифохона мавжуд бўлган бўлса⁷⁹, 1991 йилда вилоятда 120 та касалхона

⁷³ Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари.-Наманган, 2000.-Б. 40.

⁷⁴ Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. Вилоят статистика бошқармаси умумлаштириш бўлими 1991-2007 йиллар маълумотлари.-Б. 3.

⁷⁵ Сулаймонов Х. Демографик жараён ва ижтимоий сиёсат // Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар мавзуидаги илмий анжуман материаллари.-Наманган.-1996.-Б. 44.

⁷⁶ Раҳматуллаев Ш.М. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.). Автореф. дис. ... канд.ист.наук.-Т., 2000.-С.23.

⁷⁷ Сулаймонов Х. Демографик жараён ва ижтимоий сиёсат // Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар мавзуидаги илмий анжуман материаллари.-Наманган.-1996.-Б. 44.

⁷⁸ Нажмиддинов Қ. Салоҳиятнинг янги қирралари // Наманган ҳақиқати.-2000.-8 январ.

⁷⁹ Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати аҳолиси, хўжалиги).-Наманган: Наманган вилояти ҳокимияти ноширлик бўлими, 1995.-Б. 143.

фаолият кўрсатди. Наманган вилоятида аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. 1990 йилгача бўлган даврда вилоят бўйича жами 1480 км. газ тармоқлари тортилган бўлса, 1991-1995 йиллар давомида 2025 км газ тармоқлари фойдаланишга топширилди⁸⁰.

Жумладан, вилоятда 1965 йили 69 км тоза ичимлик суви тармоғи мавжуд бўлган бўлса,⁸¹ биргина 1991-1999 йилларнинг ўзида 1572 километрдан иборат янги сув ўтказиш тармоғи фойдаланишга топширилди. 1999 йил охиригача қарийб 100 минг оилага шахсий томорқа учун ер берилди⁸².

Истиқлол йилларига келиб, Наманган вилоятида ташқи иқтисодий алоқалар минтакавий бошқармаси ташкил этилгач, иқтисодий алоқалар янада кенгайди. Масалан, 1978 йилда вилоят саноати 20 дан ортиқ асосий тармоққа эга бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 25 турга яқинини чет мамлакатларга экспорт қила олар эди, холос⁸³. Мустақиллик қўлга киритилгач эса, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, фирмалар ва ассоциацияларнинг жаҳон бозорига ўзи мустақил равишда чиқиш доираси кенгайиб борди. Айниқса, “Наманган ташқисавдо” иқтисодий алоқалар фирмаси вилоятдаги ташкилотларга хорижий фирмалар билан алоқалар олиб боришда амалий ёрдам берди. Ушбу фирма кўмагида 26 та чет эл фирмалари билан алоқа ўрнатилди ва вилоятдаги 43 та корхона ташқи иқтисодий фаолият билан шуғуллана бошлади⁸⁴.

Хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида қўшма корхоналар муҳим ўрин тутмоқда. 1993 йилда Наманган ҳудудида 25 дан зиёд қўшма корхона ва 20 та ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиси бўлган йирик корхоналар фаолият юритди⁸⁵.

Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2004 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида рўй-рост кўрсатиб берган эди: “Чунончи, 1996-2003 йилларга режалаштирилган 209 та кишлоқ врачлик пунктидан 32 таси ишга туширилмаган. Вилоятдаги 673 та умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг қарийб 30 фоизи икки сменада ўқи-моқда. Шунга қарамай, 11 минг 300 ўринли 24 та мактаб қурилиши охирига етказилмасдан тўхтатиб қўйилган”⁸⁶.

Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши кичик ва ўрта бизнеснинг тараққий этиши учун кенг имкониятлар яратиб берди. Бунинг

⁸⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи.-Т.: Шарқ, 2000.-Б. 362.

⁸¹ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 19-варақ.

⁸² Каримов И.А. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Асарлар.-Т.: Ўзбекистон, 2000. -Т.8. -Б. 187-188.

⁸³ НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 12-иш, 202-варақ.

⁸⁴ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Асарлар.-Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5.-Б. 227.

⁸⁵ Рапиғалиев Б. Ҳамиша елкадошимиз // Наманган ҳақиқати.-1993.-21 октябр.

⁸⁶ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар. -Т.: Ўзбекистон, 2005.-Т.13.-Б.25-26.

натижасида эса, 1996 йил вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 94% дан кўпроғи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келди⁸⁷.

Қишлоқ хўжалиги борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу, айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этилишида яққол намоён бўлди. Наманган вилоятида 1995 йил деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 1882 тага етди⁸⁸.

Ушбу йилларда аҳолининг миллий ва диний қадриятларини тиклаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилди. Жумладан, биргина 1996 йилда Наманган вилоятининг ўзидан 700 нафардан зиёд фуқаро ҳаж маросимларини адо этди⁸⁹. 1993 йил 23 май куни Наманган вилоят ҳокимининг Фармойиши билан халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш, уни тўплаш, келгуси авлодга етказиш мақсадида “Мерос” илмий-маърифий маркази очилди. Истиқлол шарофати билан вилоят ёшларининг диний билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилди. 1991 йил 21 сентябрда Мулла Қирғиз мадрасаси тантанали равишда очилди⁹⁰.

1977 йилда вилоятда 523 та умумий таълим мактаблари бўлиб, унда 290 мингдан зиёд ёш авлод таълим олди. Шу даврда 2 та олий ўқув юрти, 12 та ўрта махсус, 24 та касб-ҳунар таълими билим юртлари фаолият юритган бўлса⁹¹, фақатгина 2000-2001 ўқув йилида вилоятда 671 умумий таълим мактаби, барча қулайликларга эга бўлган 19 та лицей, 6 махсус мактаб-интернат, 2 та академик лицей, 43 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатди. Вилоятдаги 3 та олий ўқув юртларида 2001 йилда 11 мингдан зиёд талаба таълим олди⁹². Улар замонавий ўқув қуроллари ва техника билан жиҳозланди.

Миллий ўзликни англаш, қадриятларни тиклашда маданий-оқартув муассасаларининг жамиятдаги ўрнини инobatга олган ҳолда, республика ва вилоят раҳбарияти бу масалага жиддий эътибор қаратди. Масалан, вилоят ташкил топган даврда салкам 100 та кутубхона мавжуд бўлган бўлса⁹³, 2001 йилга келиб уларнинг сони 434 тага етди⁹⁴.

XX асрнинг 70-йилларида вилоят миқёсидаги “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” ҳамда 10 та туман газеталари нашр этиб турилган бўлса⁹⁵, бугунги кунда 50 дан ортиқ газета ва журналлар нашр этилмоқда.

Мустақиллик шароитида республика раҳбарияти томонидан жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Наманган вилоятида ҳоким ўринбосарлари, вилоятдаги йирик корхона ва ташкилот раҳбарларининг спорт турлари бўйича федерация президентлари этиб тасдиқланганлиги ўзининг

⁸⁷ Бозоров О. Ислохотларни янада чуқурлаштирайлик // Наманган ҳақиқати. 1996.-14 феврал.

⁸⁸ Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари.-Наманган, 2000.-Б. 239.

⁸⁹ Каримов И. Ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш бурчимиз // Туркистон.-1996.-9 ноябр.

⁹⁰ Убайдуллоҳон Ҳожи. Наманганда мадраса очилди // Наманган ҳақиқати.-1991.-24 сентябр.

⁹¹ НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 14-варақ.

⁹² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6 том. -Т., 2003.-Б. 253.

⁹³ НВДА, 796 -фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 22-варақ.

⁹⁴ Ўз МДА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 405-иш, 4-варақ.

⁹⁵ НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 16-варақ.

самарасини бериб, вилоятда спорт иншоотларининг кўпайиши етук спортчилар етишиб чиқишига туртки бўлди.

Биргина 2006 йил давомида вилоят спортчилари мавжуд спорт турлари бўйича 35 дан ортиқ халқаро турнирларда 80 дан ортиқ республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, 200 та олтин, 262 та кумуш, 335 та бронза медалларни қўлга киритишиб, 11 нафар жаҳон чемпиони, 4 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 13 нафар спорт устаси, 220 та спорт усталигига номзод тайёрлашга эришилди⁹⁶. Бу тадбирлар спортчиларнинг вилоят спорт шарафини республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб ҳимоя қилиб келишларига замин яратди.

III. ХУЛОСА

Диссертация натижалари ва илмий таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- 1917 йил феврал инқилоби таъсирида Туркистонда, хусусан Наманганда ҳам сиёсий уйғониш янги поғонага кўтарилди. Ўлка мустақиллиги учун курашувчи кўплаб жамият ва ташкилотлар тузилди;

- большевиклар тузумининг ўрнатилишига қарши кўтарилган куролли ҳаракатда аҳолининг турли табақалари иштирок этди. Бутун Туркистонда бўлгани каби, Наманган вилояти ҳудудида ҳам совет ҳокимияти зўрлик билан ўрнатилди;

- XX асрнинг 30-йилларида вилоят ҳудудида ҳам мажбурий жамоалаштириш амалга оширилди. Унга қарши халқ оммасининг кўплаб норозилик чиқишлари бўлиб ўтди. Оммавий қатағонлар наманганлик зиёлиларни ҳам четлаб ўтмади. Наманганлик зиёлилардан Иброт, У.Носир, М.Сўфизода, Р.Мўмин, С.Холдорова, И.Хидиралиев, М.Эрматов, Н.Қориев ва бошқалар қатағонлик домига тортилдилар;

- иккинчи жаҳон уруши йилларида наманганликлар ҳам бор имкониятларини фашизм устидан қозониладиган ғалаба учун сафарбар этдилар. Жамоа хўжаликларида фронт учун кўшимча тарзда “мудофаа гектари” экиш кенг тус олди. Мазкур ерларда етиштирилган ҳосил тўлалигича фронтга жўнатилди. Ҳаракатдаги армияни курол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш мақсадида наманганликлар томонидан улкан миқдордаги маблағ йиғиш ишлари амалга оширилди. Жанг майдонларида кўплаб наманганликлар жасорат намуналарини кўрсатдилар;

- XX аср 60-йилларининг иккинчи ярмидан 70-йилларининг ўрталарига қадар вилоят қишлоқ хўжалигида юксалиш ҳолатлари кўзга ташланди. Асосий эътибор пахта экин майдонларини кенгайтиришга қаратилди. XX асрнинг 70-йиллари бошларидан эътиборан хўжаликнинг айрим соҳаларида турғунлик ҳолатлари кўзга ташлана бошлади;

⁹⁶ Наманган вилояти ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 1991-2007 йиллар маълумотлари.-Б. 17.

- Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1960 йил 25 январдаги фармонида кўра, Наманган вилояти тугатилди, 1967 йил 18 декабрдаги фармонида кўра, республика таркибида Наманган вилояти қайта тикланди. Бу эса вилоятнинг ушбу давр оралиғидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди;

- XX асрнинг 40-йилларининг охири 50-йилларининг бошларида совет жамиятида сиёсий қатағонликларнинг янги палласи бошланди. Ушбу қатағонларга кўплаб наманганлик зиёлилар ҳам тортилдилар. Миллий ва диний кадриятлар таъқиб этилди. Атеистик ташвиқот ишлари вилоят сессияларида долзарб масала сифатида муҳокама этилди;

- XX аср 70-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб, 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган давр мобайнида расмийлик, кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар оқибатида натижалар сохталаштирилди. XX аср 80-йилларининг ўрталарига келиб, совет жамиятида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида танглик ҳолати кучайиб борди. Бу танглик ҳоллари Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам ўз аксини топди;

- “Қайта қуриш” йилларида Наманган вилоятида ҳам аҳолининг меҳнатга бандлик ҳолати ҳамда мавжуд иш ўринлари билан боғлиқ ўзига хос ижтимоий муаммолар мавжуд эди;

- Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар даври бошланди. Мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келди. Халқ хўжалигида нодавлат секторнинг ҳиссаси ошиб борди. Иқтисодиётнинг ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ислохотлар изчил тарзда амалга оширила бошланди;

- мустабид тузумдан мерос сифатида қолган ва йиллар давомида тўпланган ҳамда ўз ечимини топа олмаган ижтимоий муаммолар Наманган вилояти ҳудудида мустақилликнинг қўлга киритилиши ва мустақамланишида ўзига хос кўринишларда намоён бўлди. Ишсизликнинг юқори даражадалиги, мавжуд иш ўринларининг етишмаслиги каби жиҳатлар мустақилликнинг дастлабки кезларида вилоят раҳбарияти олдида кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўйди;

- вилоятнинг халқаро алоқаларда иштироки учун кенг имкониятлар очилди. Кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликка кенг йўл берилди. 1993 йилда Наманган ҳудудида 25 дан зиёд қўшма корхона ва 20 та ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиси бўлган йирик корхоналар фаолият юритди. 1996 йил вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 94% идан кўпроғи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келди. Наманган вилоятида 1995 йил деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 1882 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда 5140 тага етди;

- мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби маданият соҳасида ҳам улкан янгилик ва ўзгаришлар амалга оширилди. Ушбу йилларда аҳолининг миллий ва диний кадриятларини тиклаш ишларига ҳам катта эътибор берилди.

Наманган вилояти тарихи бўйича келгуси тадқиқотларда ёритилиши лозим бўлган жиҳатларни инобатга олган ҳолда, диссертант қуйидагиларни таклиф қилади:

1) Наманган вилояти тарихини маълум туманлар мисолида янада мукамал ёритиш;

2) Наманганлик зиёлилар тарихини алоҳида шахслар мисолида ўрганиш;

3) Наманган ҳудудида олиб борилган жамоалаштириш ва қатағон сиёсати моҳиятини чуқурроқ ёритиб бериш;

4) Иккинчи жаҳон урушида наманганликларнинг фронт ва фронт ортидаги жасоратларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этиш;

5) Совет даври ва мустақиллик йилларида Наманган вилоятида маънавий-маданий ҳаётнинг ўзига хос жиҳатларини мутахассислар томонидан чуқурроқ тадқиқ этиш;

Хулоса қилиб айтганда, вилоятлар тарихини махсус тадқиқот сифатида ўрганилиши яна шуниси билан аҳамиятлики, тарихий жараёнлар, воқеаларни жонли тарзда, кенг қамровли манбалар ёрдамида ёритиб бериш имконини беради.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида мамлакат хусусан, вилоятлар тарихини ўрганиш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бу эса ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг ўзбек халқи тарихини тўлақонли ёритиш йўлидаги саъйи-ҳаракатларининг амалдаги натижаси бўлиб, ушбу имкониятларга фақат истиқлол шарофати билангина эришилди.

IV. Диссертация мавзуси юзасидан қуйидаги ишлар нашр қилинган:

1. Хайдаров З.У., Жўраева Н., Дадамирзаева Г. Жамоалаштириш сиёсати тарихидан (Чуст тумани мисолида) // Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Наманган: 2000.-Б. 84-85.

2. Хайдаров З.У. 30-50 йиллардаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари (Наманган вилояти мисолида) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-Тошкент, 2001.-№ 6.-Б. 57-60.

3. Хайдаров З.У. Истиқлол йўлидаги ҳаракатлар // Жамият ва бошқарув.-Тошкент, 2006.-№ 4.-Б. 92-93.

4. Хайдаров З.У. Кеча ва Кундуз ёхуд Наманган вилояти халқ таълими тарихига чизгилар // Таълим ва тафаккур.-Наманган, 2006.-№ 5.-Б. 26-27.

5. Хайдаров З.У. Буюк ғалабага қўшилган муносиб улуш //Тарих тилга кирганда ...(Мақолалар тўплами) I даврий тўплам.-Наманган, 2007.-Б. 73-77.

6. Хайдаров З.У. Мажбурий жамоалаштириш фожиалари //Муҳофаза+. -Тошкент, 2007.-№ 4.-Б. 25.

7. Хайдаров З.У. Миллий қадриятларимиз кеча ва бугун //Фалсафа ва Ҳуқуқ. -Тошкент, 2007.-№ 14.-Б.42-44.

ТАДҚИҚОТЧИ

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Хайдаров Захриддинбобир Умаровичнинг 07.00.02-”Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича “Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: давлат тўнтариши, қаршилик ҳаракати, Калишоҳ қирғини, очарчилик, коллективлаштириш, қулоқлаштириш, катағонлик, уруш, мудофаа фондлари, мудофаа гектари, “Наманган колхозчиси”, пахта яккахокимлиги, ҳукмрон мафкура, иқтисодий таназзул, ишсизлик, демократик ўзгаришлар, қайта куриш, мустақиллик, қўшма корхоналар, қадрият, ислоҳот, халқ таълими.

Тадқиқот объекти: Наманган вилоятининг 1917 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихини ёритиб бериш ушбу тадқиқот объекти ҳисобланади. Шу билан бирга вилоятда мустақиллик йилларида эришилган натижалар совет давридаги ҳолат билан керакли ўринларда қиёсий таҳлил этилган.

Ишнинг мақсади: 1917-1991 йиллар оралиғида Ўзбекистонда совет тузумининг ҳукмронлиги, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг шаклланишини кўрсатиб бериш ва мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ўзгаришларнинг асл моҳиятини Наманган вилояти мисолида тадқиқ этиш.

Тадқиқот методлари: тадқиқотни амалга оширишда тарихийлик, холислик, даврийлик ва қиёсий-таҳлилий усуллардан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотда илк бор Наманган вилоятининг совет тузumi ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи таҳлил этилган. Ушбу мавзу бундан аввал Ватан тарихшунослигида махсус тадқиқ этилмаган. Шу сабабли бугунга қадар кам ўрганилган манбалар, архив ҳужжатлари ва тарихнинг жонли гувоҳлари маълумотларига таянган ҳолда ушбу мавзу биринчи марта махсус ўрганилмоқда. Миллий қадриятларнинг ҳукмрон мафкурага бўйсундирилиши маъмурий ва ҳўжалик бошқарувидаги совет жамиятида йўл қўйилган қўпол хатолар вилоят мисолида ёритиб берилган.

Амалий аҳамияти: илмий ишда келтирилган фактик материаллар ва берилган илмий хулосалар Ўзбекистоннинг совет даври ҳамда мустақиллик йиллари тарихини мукамал тарзда ёритишда аҳамиятли тадқиқот сифатида хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий натижаларидан диссертантнинг илмий анжуманлардаги чиқишларида, чоп этилган илмий мақола ва тезисларида фойдаланилган.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон тарихининг хали тадқиқ этилмаган саҳифаларини ёритишда, совет тузумининг моҳиятини очиб берувчи илмий асарлар ҳамда республика таълим тизими учун дарслик ва услубий қўлланмалар тайёрлашда шунингдек, олий ўқув юртларида совет даври ва мустақиллик йилларига бағишланган махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Хайдарова Захриддинбобира Умаровича на тему “История культуры и социально-экономического развития Наманганского вилоята в советский период и в годы независимости: сравнительный анализ” на соискание учёной степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.02 - История Узбекистана

Ключевые слова: государственный переворот, противостояние, Калишахская резня, голод, коллективизация, раскулачивание, репрессия, война, фонды обороны, гектар обороны, “Наманганский колхозник”, монокультура хлопка, господствующая идеология, экономический кризис, безработица, демократические изменения, перестройка, независимость, совместные предприятия, достояние, реформы, народное образование.

Объект исследования: главным объектом исследования является история культуры и социально-экономическое развитие Наманганского вилоята с 1917 года по настоящее время. Представлен сравнительный анализ достигнутых результатов вилоята в годы независимости с советским периодом.

Цель работы: проанализировать процесс установления советской власти и формирования административно-командной системы в Узбекистане в период с 1917 по 1991 годы и показать осуществление коренных реформ в годы независимости на примере Наманганского вилоята.

Методы исследования: в исследовании использованы такие сравнительно-аналитические методы, как историзм, объективизм и периодичность.

Полученные результаты и их новизна: на основе свидетельств очевидцев, а также архивных документов впервые представлен сравнительный анализ истории культуры и социально-экономического развития Наманганского вилоята в период советской власти и за годы независимости. На примере Наманганского вилоята проиллюстрирован процесс подчинения национальных духовных традиций гегемонистским принципам господствующей идеологии, грубейшие нарушения в административно-хозяйственном управлении. Данная тема в отечественной исторической науке ранее не освещалась.

Практическая значимость: приведённые в научной работе фактические материалы и теоретические выводы служат значительным подспорьем для полного, исчерпывающего освещения истории Узбекистана до и после обретения им независимости.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования нашли своё отражение в выступлениях диссертанта на научных конференциях, а также в опубликованных научных статьях и тезисах.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы при составлении учебников для общеобразовательных и средних специальных учебных заведений, а также при изучении истории Узбекистана на спецкурсах в вузе.

RESUME

Thesis of the Haydarov Zahriddinbobir Umarovich on the scientific degree competition of the candidate History sciences, specialty 07.00.02- History of Uzbekistan on subject “Socio-economical and cultural history of Namangan region during Soviet period and independence years: comparative analysis”

Key words: coup d’etat, resistance, Kalishoh annihilation, starvation, collectivization, repelling, repression, war, defense funds, defense fields, “Namangan collective” farmer, cotton growing dominance, dominant ideology, economical bankruptcy, unemployment, democratic changes, rebuilding (perestroika), independence, joint ventures, cultural renaissance, reforms, national education.

Subject of research: the main object of this research is to provide information about socio-economical and cultural history of Namangan region from 1917 to present days. And therefore the results of advanced independence years and state position of the government during soviet times are comparatively analyzed.

Aim of the inquiry: the main goal of the research is to study the establishment of Soviet government in Uzbekistan, the foundation of administrative-centered system and total changes in Namangan region during independence years.

Method of inquiry: Comparative analysis styles are used in this research, such as historical, impartial, periodic.

The results achieved and their novelty: the socio-economical and cultural history of Namangan region during soviet period and independence years were analyzed in this research for the first time. This topic was not especially studied in the National history before. For this reason this topic is studied for the first time and it based on the information of less studied resources, documents of archives and according to the information of witnesses. Submission of customs and traditions by dominant ideology and mistakes that were made by administrative and social leadership organizations were provided on Namangan region’s example.

Practical value: the facts and given scientific conclusions will serve as special source for providing history of Uzbekistan during Soviet period and Independence years.

Degree of application and economical affectivity: main results of this research were used in scientific conventions, published articles and thesis’s of the researcher.

Sphere of usage: the results of research may be used: in teaching less studied parts of Uzbek history; scientific articles that helps to know about the truth of soviet government for preparing textbooks and references and at the same time to organize special courses that teach the history of Uzbekistan.